



# O‘ZBEKISTON SUG‘URTA BOZORI

VOL. 3 ISS: 1 (2026)

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN СТРАХОВОЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА

INSURANCE



№	MUNDARIJA	Page
1.	<i>SUG'URTA XIZMATLARI BOZORINI MODERNIZATSIYA QILISH VA UNING QAMROVINI OSHIRISH YO'LLARI</i> <i>Adilova Gulnur Djurabayevna</i>	4
2.	<i>AGROSANOAT MAJMUIDA SUG'URTALANGAN OB'EKTAR HOLATINI MONITORING QILISHDA RAQAMLI GAT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI</i> <i>Yadgarov Akram Akbarovich</i>	7
3.	<i>MAMLAKAT ICHKI INVESTITSION IMKONIYATLARINI KENGAYTIRISHDA SUG'URTA KOMPANIYALARI INVESTITSION FAOLIYATINING ROLINI OSHIRISH MASALALARI</i> <i>Kenjayev Ilhom G'iyozovich</i>	11
4.	<i>SUG'URTA KOMPANIYALARI MOLIYAVIY HOLATINI BAHOLASH METODLARINI TAKOMILLASHTIRISH</i> <i>Xattabov Murodulla Batirovich</i>	15
5.	<i>SUG'URTA TASHKILOTLARI FAOLIYATIDA MOLIYAVIY BARQARORLIKNI BOSHQARISH TIZIMI</i> <i>Xolbayev Azamat Yuldashovich</i>	20
6.	<i>MAMLAKATIMIZDA OLIY TA'LIM EKSPORT XIZMATLARI MOLIYAVIY NATIJADORLIGINI TA'MINLASHNI TAKOMILLASHTIRISH</i> <i>Abdusattarova Dildora Bohodirovna</i>	25
7.	<i>O'ZBEKISTONDA IJTIMOIIY SOHA XARAJATLARINI MOLIYALASHTIRISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI</i> <i>Rashidova Guzal Abduvohidovna, Xamroyev Mexroj Sirojxonovich</i>	29
8.	<i>KORXONALAR MOLIYAVIY NATIJALARINI BOSHQARISHDA RAQAMLASHTIRISH TIZIMINING ROLI</i> <i>Musaxonzoda Ikromjon Sobirxon o'g'li, Faxriddinov Bekzodbek Faxriddin o'g'li</i>	32
9.	<i>TIJORAT BANKLARI KREDIT PORTFELINI BAHOLASHDA RISKLAR VA DIVERSIFIKATSIYANING O'RNI</i> <i>Toshtemirov Doston O'ktam o'g'li</i>	36
10.	<i>ECONOMIC SECURITY OF COMMERCIAL BANKS: CONCEPTUAL FOUNDATIONS AND THREAT MITIGATION FRAMEWORK</i> <i>Agzamov Avazon Talgatovich, Malikova Dilrabo Muminovna</i>	40
11.	<i>ШАФФОФ ИНВЕСТИЦИОН МУХИТНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ</i> <i>Имомов Хамдилла Хамдамович</i>	44
12.	<i>TURIZM KORXONALARIDA INVESTITSIYA FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISH MASALALARI</i> <i>Axrorov Zarif Oripovich</i>	47
13.	<i>ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ</i> <i>Эргашева Юлдуз</i>	50
14.	<i>O'ZBEKISTONDA TRANSPORT LOGISTIKASI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH SAMARADORLIGI</i> <i>Xamdamov Shoh-Jaxon Raxmat o'g'li, Fozilova Shaxloxon</i>	52
15.	<i>YURIDIK SHAXSLAR MOL-MULKINI SOLIQQA TORTISH MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI</i> <i>Agzamov Avazxon Talgatovich</i>	55
16.	<i>JISMONIY SHAXSLARNING DAROMADLARINI SOLIQQA TORTISH TARTIBI VA UNING NAZARIY ASOSLARI</i> <i>Bobomurotova Manzura Panji qizi</i>	58
17.	<i>O'ZBEKISTON SUG'URTA TASHKILOTLARI FAOLIYATIDA RISKLARNI BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISHDA XALQARO STANDARTLARNING O'RNI VA AHAMIYATI</i> <i>Xasanov Farrux Ravshanovich</i>	62

## “O‘ZBEKISTON SUG‘URTA BOZORI” JURNALI TAHRIR KENGASHI A‘ZOLARI

1. Teshabayev To‘lqin Zakirovich (Kengash raisi, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor).
2. Maqsudov Davron Sanjarxo‘jayevich (Kengash raisi o‘rinbosari, Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktori o‘rinbosari).
3. Azimov Rustam Sadikovich (“O‘zbekinvest” eksport-import sug‘urta kompaniyasi” AJ bosh direktori, iqtisodiyot fanlari doktori).
4. Mehmonov Sultonali Umaraliyevich (Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor).
5. Abdurahmonova Gulnora Qalandarovna (Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor).
6. Sindarov Sherzod Egamberdiyevich (Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor).
7. Zakirov Latif Xamidullayevich (Moliya vazirligi huzuridagi TKFJMS qoshidagi To‘lovlarni kafolatlash jamg‘armasi direktori).
8. Xalilov Oybek Nasirovich (O‘zbekiston sug‘urta bozori professional ishtirokchilari uyushmasi kengashi raisi).
9. Qurbonov Xayrulla Abdurasulovich (TDIU Xalqaro va milliy reytinglar bilan ishlash markazi rahbari, dots.).
10. Quldoshev Qamariddin Mansurovich (TDIU “Sug‘urta ishi” kafedrasida professori, DSc, bosh muharrir).
11. Zaynalov Jahongir Rasulovich (Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Moliya” kafedrasida mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, prof.).
12. Shennayev Xojayor Musurmanovich (TDIU “Sug‘urta ishi” kafedrasida mudiri, DSc, prof.).
13. Boyev Xabibullo Ismoilovich (TDIU “Sug‘urta ishi” kafedrasida professori, iqtisodiyot fanlari doktori).
14. Ortiqov Furqat A‘zamjonovich (“Kafil Sug‘urta” AK sug‘urta kompaniyasi direktorlar kengashi raisi).
15. Nurullayev Abdulaziz Sirojiddinovich (O‘zbekiston madaniyat va san‘at instituti professori, i.f.n. dots.).
16. Merident Randles (FSA, MAAA. Principal & Consulting Actuary. Katta maslahatchi, UNDP-Milliman Global Actuarial Initiative).
17. Ong Xie (FIA, FSAS. Dastur menejeri, UNDP-Milliman Global Actuarial Initiative. Olmosh: She/Her).
18. Hasanov Xayrulla Nasrullayevich (TDIU Besh tashabbus markazi rahbari, i.f.b.f.d.).
19. Mamadiyarov Zokir Toshtemirovich (TDIU “Moliya bozori va sug‘urta” kafedrasida mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori).
20. Mutalova Dilorom Maxamadjanovna (TDIU “Soliqlar va soliqqa tortish” kafedrasida professori, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori).
21. Imomov Hamdilla Hamdamovich (TDIU “Korporativ moliya va qimmatli qog‘ozlar” kafedrasida professori v.b., falsafa fanlari doktori).
22. Kenjayev Ilxom G‘iyozovich (TDIU Magistratura bo‘yicha dekan o‘rinbosari, i.f.b.f.d., dots.).
23. Yadgarov Akram Akbarovich (TDIU “Yashil iqtisodiyot” kafedrasida professori v.b., iqtisodiyot fanlari doktori).
24. Yuldashev Obiddin Toshmurzayevich (TDIU “Sug‘urta” kafedrasida professori v.b. i.f.d.).
25. Samadov Asqarjon Nishonovich (TDIU “Marketing” kafedrasida dotsenti, universitet Kengashi kotibi, fanlar nomzodi).
26. Baratova Dinara Alisherovna (TDIU “Sug‘urta” kafedrasida dotsenti, t.f.n. kotib).
27. Qarshiyev Daniyar Eshpo‘latovich (TDIU “Sug‘urta” kafedrasida dotsenti, i.f.n., bosh muharrir).
28. Nomozova Qumri Isoyevna (Bank-moliya akademiyasi dotsenti, PhD).
29. Hamdamov Shoh-Jahon Raxmat o‘g‘li (TDIU “Korporativ moliya va qimmatli qog‘ozlar” kafedrasida dotsenti, i.f.n.).
30. Maxmudov Samariddin Baxriddinovich (TDIU “Korporativ moliya va qimmatli qog‘ozlar” kafedrasida dotsenti, i.f.n.).



## ШАФФОФ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Имомов Хамдилла Хамдамович

Тошкент давлат иқтисодийёт университети, "Баҳолаш иши ва инвестициялар"  
кафедраси и.ф.н., профессори  
e-mail: himomov1969@gmail.com

**Annotatsiya:** Ушбу мақолада шаффоф инвестицион муҳитни яратишга қаратилган хориж тажрибаси, инвестицион муҳитнинг шаффофлигини яратишда хориж тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари, инвестицион муҳити шаффофлигини таъминлашда хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш, инвестицион муҳит шаффофлигини яратишда давлатнинг олдида турган стратегик мақсад ва вазифаларни амалга ошириш масалалар келтирилган.

**Kalit so'zlar:** Шаффоф, жозибадорлик, давлат, мувофиқлаштириш, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, жиҳозлаш, модернизация, реконструкция, кредит, давлат кредити, маҳаллий инвестиция, миллий иқтисодиёт, хорижий инвестиция, реинвестиция, инвестиция, инвестиция муҳити.

**Abstract:** This article presents international experience aimed at creating a transparent investment environment, the specifics of international experience in creating a transparent investment environment, the effective use of international experience to ensure transparency of the investment environment, and the implementation of the state's strategic goals and objectives in creating a transparent investment environment.

**Keywords:** Transparency, attractiveness, state, coordination, economic, social, political, legal, equipment, modernization, reconstruction, credit, state credit, local investment, national economy, foreign investment, reinvestment, investment, investment environment.

**Абстрактный:** В данной статье представлен зарубежный опыт, направленный на создание прозрачной инвестиционной среды, особенности зарубежного опыта в создании прозрачной инвестиционной среды, эффективное использование зарубежного опыта для обеспечения прозрачности инвестиционной среды, а также реализация стратегических целей и задач государства в создании прозрачной инвестиционной среды.

**Ключевые слова:** прозрачность, привлекательность, государство, координация, экономический, социальный, политический, правовой, оборудование, модернизация, реконструкция, кредит, государственный кредит, местные инвестиции, национальная экономика, иностранные инвестиции, реинвестирование, инвестиции, инвестиционная среда.

### Кириш (Введение/Introduction).

Бизга маълумки, айни пайтда, инвестицион муҳит энг асосий масалалардан бўлиб қолмоқда. Чунки бу ҳам маҳаллий ҳам хорижий инвесторларни қизиқтирадиган асосий омиллардан ҳисобланади. Хориждан капитал қабул қилувчи томонидан инвестиция муҳити моделини ишлаб чиқиш ҳар томонлама асосланган ташқи иқтисодий алоқаларни аниқлаб берувчи воситадир. У орқали хорижий инвесторга таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўлиш, хорижлик инвесторларнинг ҳулқ-атворини ҳар томонлама англаш ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни чуқурроқ баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу жараёнларнинг барчаси республикамизнинг бошқа давлатлар билан дастлабки иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш жараёнида четдан капитални жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий инвестиция иштирокида амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқишда нафақат ўз манфаатлари билан чегараланмасдан инвесторнинг мақсад ва имкониятлари билан ҳисоблашиш алоҳида эътиборга лойиқдир. Шу нуктаи назардан шаффоф инвестицион муҳитни яратишга қаратилган хориж тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ қилиш ўта муҳим омиллардан ҳисобланади.

### Адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review).

Адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб, инвестицион муҳитга таъриф бериб ўтишни лозим деб билиб, уни қуйидагича таърифни келтириб ўтамыз.

Аксарият ҳолларда, «инвестицион муҳит» ва «инвестицион иқлим» тушунчалари синонимлар сифатида ишлатилади. Бу хусусда муаллифлар Д.Ғ. Ғозибеков ва Т.М. Қоралиевлар «Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш» номли китобида шундай дейди: «Инвестицион иқлим» тушунчаси иқтисодиётда янги эмас, аммо, мустақил Ўзбекистон шароитига нисбатан ишлаб чиқилмаган. Инвестицион муҳит жуда кенг маънода

ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинмаган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафқўраси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига қатта аҳамият берилади»[1].

А.Вахабов, Ш.Ҳажибакиев, Н.Мўминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: «Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилmalarининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инкйроз, ўсиш), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга»[2].

Иқтисодий адабиётда «инвестиция муҳити» тушунчаси ва унга таъсир этувчи омиллар турлича талқин этилади. Масалан, 2005 йилда Жаҳон тараққиёти маърузасида инвестиция муҳити тушунчаси компаниялар имкониятларини аниқловчи ва уларда ҳар бир жойнинг ўзига хос ва уларда самарадор инвестицияларни амалга оширишга, иш жойлари барпо этишга ва ўз фаолиятини кенгайтиришга рағбатлантирувчи қучни шакллантирувчи омиллар мажмуаси деб таъриф берилган[3].

Г.Е. Игольников, Е.С. Патрушевлар фикрича, инвестиция муҳити молиявий ёки моддий маблағларнинг иқтисодий жалб этувчанлиги, ижтимоий-сиёсий тавсифга эга хавфларнинг йўқлиги, меъёрий-ҳуқуқий негизнинг барқарорлиги ва такомиллаштирилишидан шаклланади[4].-деб таърифлайди.

Шаффофлик — бу сармоядорлар, давлат органлари ва бозор субъектлари ўртасидаги ахборот алмашинувининг очиклиги ва

ишонч даражасини таъминлайдиган иқтисодий категория ҳисобланади[5].

Фикримизча, инвестицион муҳит - муайян мамлакатга (ёки ҳудудга) инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар мавжудлигининг ижобий ёки салбий томонларини англатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, киритилиши назарда тутилган инвестициялардан келадиган даромадларни йўқотиш эҳтимолига боғлиқ бўлган мажбурий тўловлар, солиқлар, кредит фоизи ва шу каби харажатлардан ташқари ўзига боғлиқ бўлмаган депозитарийлар, банк ва молия муассасалари, инфратузилма институтлари, брокерлар, рўйхатдан ўтказувчилар, шартнома мажбурият-ларини бажармаслик каби бошқалар айби билан йўқотишдан кўрилган зарарларни қоплашдаги барча харажатларнинг йиғиндисини ҳам ҳисобга олишимиз лозим.

**Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы).** Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда манتيқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва киёсий таққослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (Analysis/Анализ).**

Халқаро амалиётда “Инвестицион муҳит шаффофлиги” — давлат сиёсатининг очиклиги, норматив қоидаларнинг барқарорлиги ва маълумотларнинг эркин кириш имконияти билан белгиланади. Transparency International ва World Bank индикаторларига кўра, мамлакатда инвестиция муҳити шаффофлиги қанчалик юқори бўлса, хорижий инвестициялар ҳажми шунчалик барқарор бўлади. Албатта бу учун **шаффоф инвестицион муҳитни яратишга қаратилган хориж тажрибаси амалиётдан ҳам фойдаланиш жуда ўринли ва самарали ҳисобланади.**

**Хориж тажрибаси амалиётда шаффофликнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтиради:**

1. **Норматив-ҳуқуқий аниқлик** — сармоядорлар ҳуқуқларини қафолатловчи қонулар барқарорлиги.
2. **Маъмурий жараёнларнинг очиклиги** — лицензия, руҳсат ва тендер жараёнларининг рақамлаштирилиши.
3. **Молиявий маълумотлар шаффофлиги** — давлат бюджети, лойиҳа молиялаштириш ва давлат-хусусий шериклик ҳисоботларининг очиклиги.
4. **Институционал масъулият** — давлат агентликлари фаолиятида жамоатчилик назоратининг мавжудлиги.

**Ривожланган мамлакатларда инвестиция муҳити шаффофлигини таъминлашда Сингапур давлатининг тажрибасини кўрганмизда** ушбу давлатда инвестицион муҳит шаффофлиги давлат бошқаруви тизимининг асосий элементи сифатида қаралади. Ҳар бир инвестиция лойиҳаси учун “Economic Development Board (EDB)” платформаси орқали электрон мониторинг тизими йўлга қўйилган бўлиб бу тизимда:

1. Барча лицензия ва солиқ имтиёзлари электрон тарзда тақдим этилади;
2. Инвесторлар реал вақтда ўз лойиҳаси статусини кузатиши мумкин;
3. Коррупция хавфини бартараф этиш учун “e-Audit” функцияси жорий қилинган.

Натижада Сингапур “Transparency Index” бўйича 2023 йилда 5-ўринни, “Ease of Doing Business” бўйича 2-ўринни эгаллаганлигини кўришимиз мумкин.

**Шу билан бирга Германия тажрибасида** инвестиция шаффофлиги “Federal Investment Data Portal” орқали таъминланади. Бу платформада давлат сармоялари, инфратузилма тендерлари ва хусусий шериклик лойиҳалари ҳақидаги барча маълумотлар очик тарзда тақдим этилади. Қолаверса, **KfW Development Bank** орқали молиявий ҳисоботлар ва лойиҳа КРІлари жамоатчилик учун етиб бориши таъминланади. Бундай очиклик сармоядорлар ишончини қучайтиради ва давлат молиявий хавфини пасайтиради[6].

**Канада тажрибасида** “Open Government Initiative” орқали барча давлат харидлари, грантлар ва субсидиялар маълумотлари очик базада жойлаштирилади. Инвесторлар учун статистик маълумотлар ва интерактив таҳлиллар тақдим этади. Бу амалиётлар натижасида мамлакатнинг инвестиция шаффофлик индекси 2024 йилда 92/100 баллни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин[7].

**Амалда институционал ва рақамли механизмлар шаффоф муҳитнинг технологик асослари бўлиб хизмат қилиб келмоқда ва айти пайтда** халқаро амалиётда инвестиция муҳити шаффофлигини таъминлашда рақамли технологиялар етакчи роль ўйнайди. Уларнинг аҳамиятлилигини қуйидагича кўришимиз мумкин:

**Blockchain** - тендерлар, давлат харидлари ва контрактлар тарихини ўзгармас реестра сақлайди;

**Big Data & AI** - сармоя оқимларини прогнозлаш ва рискларни баҳолашда қўлланилади;

**e-Government API** - давлат ва бизнес ўртасида маълумот алмашинувини автоматлаштиради;

**Open Data порталлари** - ҳар бир лойиҳа бўйича реал вақтда маълумотлар тақдим этади.

Масалан, Эстония ва Финляндияда “X-Road” архитектураси асосида давлат маълумотлар тизимлари интеграция қилинган бўлиб, ҳар бир сармоядор ўз лойиҳасини онлайн кузатиши мумкин. [8] Шаффоф муҳитнинг технологик асосларини жорий этиш нафақат сармоядорлар учун ишонч муҳитини яратади, балки давлат бошқарувида ҳам коррупция хавфини минималлаштиришга хизмат қилади.

**Хулоса ва тақлифлар (Conclusions/Заключения).**

Инвестицион муҳит мавҳум тушунча бўлиб, унинг муайянлигини инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятлари йиғиндиси деб ҳисобланади. Қулай инвестицион муҳит яратишнинг муҳим ташкил этувчиларидан бири унинг шаффофлиги бўлиб, у ҳар бир салоҳиятли инвесторнинг мулкый манфаатларини ҳимоялаши, қафолатлаши, шунингдек мамлакатдаги мавжуд инвестиция механизмининг тушунарли ва аниқ бўлишини таъминлаши лозим.

Инвестиция муҳитининг ҳолатини инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, экологик ва бошқа шарт-шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради. Инвестиция муҳити деганда, мамлакат иқтисодиёти ёки унинг маълум бир ҳудудига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади. У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган шарт-шароитларнинг мавжуд ижобий ва салбий томонларини англатади.

Инвестиция муҳити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қулайликлар мажмуасини ўзида акс эттирган воқелиқдир. Инвестиция муҳитини яхшилашдан мақсад инвестиция салоҳиятини ошириш учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва пировардида, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини яратишдан иборат.

1. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. -Т.: Молия 1993, 46-б.
2. Вахабов А.В., Хайбакіев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий investitsiyalar. О\_қув қо\_лланма. – Т.: «Молия», 2010. – В. 153.
3. Доклад о мировом развитии - 2005. Обзор «Улучшение инвестиционного климата в интересах всех слоев населения». - Вашингтон, 2005. – С. 18.
4. Игольников Г.Е., Патрушева Е.С. Что понимать под конкурентоспособностью, инвестиционной конкурентоспособностью, инвестиционной привлекательностью и экономичностью производства // Российский экономический журнал. – Москва. 1995. - № 11. – С. 33.
5. “Doing Business”, “Corruption Perception Index” кўрсаткичлари оркали институционал мухитнинг шаффофлигини ошириш борасидаги тавсиялари бўйича маълумотлари. 2023 йил.
6. “Federal Investment Data Portal” маълумотлари. 2023 йил.
7. “Investment Transparency Portal” нинг статистик маълумотлари. 2024 йил.
8. Baratova Dinora Alisherovna. (2025). O‘zbekistonda sug‘urta faoliyatini rivojlantirish istiqbollari. Insurance Market of Uzbekistan, 2(6), 23–24. [https://doi.org/10.55439/INS/vol2\\_iss6/341](https://doi.org/10.55439/INS/vol2_iss6/341)